
Сух туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди



Сух туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди

Кеча Сух тумани 2-сектор ҳудудида жойлашган “Суғдиёна” спорт мажмуасида тумандаги ишсиз ёшларни, кам таъминланган оилалар, ҳарбий хизматдан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар, муқаддам судланганлар, ҳамда уларнинг оила аъзоларини бандлигини таъминлаш мақсадида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Қайд этиш лозим, иш излаётган ёшлар муаммоларини ечилишида ўтказилаётган бундай тадбирлар катта аҳамиятга эга.

Меҳнат ярмаркасини туман ҳокими Ф. Усаров очиб, ўтказилаётган тадбирнинг асосий мақсади тўғрисида маълумотлар бериб, туманда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси ва олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлади. Тадбирда иштирок этган Шарқий ҳарбий округи вакиллари ҳам тадбирда сўз олиб, туманда жойлашган ҳарбий қисмларга ишчи кучи лозимлигини таъкидлаб, иш излаётган маҳаллий аҳоли бемалол мурожаат этишларини қайд этди.



Тадбир давомида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Р. Жонизоқов сўзга чиқиб, бугунги кундаги ёшларга доир ҳукуратимиз ва бевосита Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Таъкидландики, аҳолини бандлигини таъминлаш, ёшларни тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликка бўлган истакларини амалга оширишларида прокуратура ходимларининг ҳам ҳиссалари катта. Чунки туманнинг иккинчи сектор ҳудудида ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш борасида турли хил учрашувлар ўтказилади. Прокуратура холимлари томонидан ёшларга тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни ушуб соҳага жалб этиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилади.



Ўтказилган меҳнат ярмаркасида туман бўйича 20 та корхона ва ташкилотлар 115 та буш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркада жами бўлиб 78 нафари доимий иш ўринларига эҳтиёжманд фуқаролар иштирок этди. Иштирок этганлардан 42 нафарини ёшлар, 18 нафари аёлларни ташкил этади. Шундан 3 нафар ишсиз фуқароларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 10 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига таклиф этилди. Яна 10 нафар фуқаролар касбга қайта ўқитишга жалб қилинди. Меҳнат ярмаркасида иштирок этган 55 нафар фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-15 10:29:47